



## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хурматли депутатлар!  
Муҳтарам сенаторлар!  
Қадри дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловда эришган галабангиз билан, халқимиз томонидан кўрсатилган юксак ишонч билан сизларни табриклаш, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаолиятингизда янги омаллар тилашга руҳсат бергайсиз.

Бўлиб ўтган сайловларни кузатишда иштирок этган 70 мингдан ортиқ маҳалли ва 340 дан зиёд чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистларнинг кўпчилигининг фикрича, бу сайловлар очиклик ва ошкоралик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла мувофиқ равишда ўтди.

Мазкур сайловлар авваломбор жамоатчилигимиз, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, етукилик даражаси сезиларли равишда ошганини кўрсатди.

Шу билан бирга, ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислохларнинг амалий натижаларини намойиш этди.

Буларнинг барчасини сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнининг ўзи, уларнинг яқунлари ҳам аққол тасдиқлаб турибди. Бўлиб ўтган сайловларда 18 миллион 500 мингга яқин фуқаро ёки сайловчиларнинг 88,9 фоизи иштирок этди.

Шуниси диққатга сазоворки, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди кураши кескин ўтган 135 та сайлов округининг 22 тасида биринчи босқичда номзодлар етарлича овоз ололмади ва бу округларда такрорий овоз беришни ўтказишга тўғри келди. Бу эса сайловларнинг демократик асосда ўтказилганидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги барча сайлов комиссияларига, сайловларнинг қонунларга, Конституцияга нормалари, умумэтироф этилган халқаро демократик принцип ва талабларга мос равишда ўтиши учун куч-гайратини сафарбар этган минглаб фаолларга миннатдорлик билдираман.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, кўпгина давлатларнинг миллий сайлов комиссиялари вакиллари, хорижий мамлакатлардан келиб қатнашган сиёсатчи ва кузатувчиларга ўз номидан, халқимиз номидан алоҳида чукур миннатдорлик билдириш барчамизга катта мамнуният етказди.

Хурматли дўстлар!  
Бугун Олий Мажлисимизнинг аввали таркиби фаолиятига яқун ясар эканмиз, ҳолисона таъкидлашимиз даркор — парламентимиз томонидан амалга оширилган ишлар демократик ислохларнинг ҳаётимизга жорий этилиши, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўйган қадамларимизда муносиб ҳисса бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмади.

Ўтган давр мобайнида ҳаммаси бўлиб 140 дан ортиқ қонун ва

меъорий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Олий Мажлис томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, ҳеч шубҳасиз, бизнинг эртанги кунимизни белгилаб берадиган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислохларимизнинг Стратегик дастурига айланди.

Концепция доирасида бугунги кунгача қабул қилинган 27 та қонун, уларни кенг миқёсда муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнининг ўзи давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда муҳим омил ва катта амалий ҳисса бўлди.

Мазкур Концепцияга мувофиқ, 2011 йилда ва 2014 йилда Конституциямизга киритилган тузатишлар, давлат қурилиши соҳасида қабул қилинган бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлари давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, мамлакат ҳукумати ваколатларини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанат механизми янада ривожлантириш ва оптималлаштиришни таъминлади.

Давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва жойлардаги вакилик органларининг ролини сезиларли равишда ошириш, ҳукумат, ижро ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш ва айни пайтда қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши ва таъсирчанлигини янада кучайтиришга имкон яратди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда янада ислох этиш, мустаҳкамлаш ва эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларда парламентнинг алоҳида ўрин тутганини таъкидлаш зарур.

Ана шу даврда парламент томонидан қабул қилинган 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самардорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Парламент фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Бу соҳада қабул қилинган ўнга яқин қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъорий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятимизда манфаатлар мувозанатини таъминлаш каби энг муҳим вазифаларни ҳал этишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтирди.

Шу борада Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. 2008

йилда Қонунчилик палатасида ушбу ҳаракат вакилларига ўн бешта депутатлик ўрнини ажратиш ҳақида қабул қилинган қарор нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Сўнгги йилларда мазкур ҳаракатнинг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бу соҳага фуқаролик институтларини фаол жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган 9 та қонун, хусусан, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

Парламент томонидан демократик ва бозор ислохларини янада чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва таркибий ўзгариш, кичик бизнес, талбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилаётган 30 дан ортиқ қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.

Бугунги кунда Олий Мажлис ҳар йили, ҳукумат тақдимномасига кўра, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиб, тасдиқламоқда, унинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан парламент назоратини олиб бормоқда. 2014 йилги дастурни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ, жумладан, ёшлар, касб-хунар коллежалари битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган даврда яратилган мустақам меъорий-ҳуқуқий база айниқса дунёда ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор суриятлар билан ривожлантиришнинг муҳим омилга айланди. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнгги 10 йилда дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмадан келмоқда. Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариши, инвестициялар ҳажми ва аҳолининг реал даромадлари жалад равишда ўсиб бормоқда.

Бундай натижалар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлигини амалга ошириш бўйича янги, замонавий фаолият шакллари жорий этишга қаратилган ишларини алоҳида қайд этиш жоиз.

Қонунчилик палатаси томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича биринчи марта ҳуқуқий тажриба амалга оширилди. Хорижий экспертларнинг фикрига кўра, ноёб ҳусусиятга эга бўлган ушбу тажриба сифатли, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб берадиган қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг замонавий усуллари синаб кўриш имконини берди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингининг институтини ўз вақтида ташкил этганимиз парламент фаолияти самардорлигини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилганини қайд этмоқчиман. Мустақил тузилма бўлган мазкур институт қонунчилик, қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилашга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг маърузасидаги асосий устувор йўналишлар қўллаб-қувватлансин.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбариятига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маърузаси юзасидан палаталарнинг маърузада қўйилган вазифаларни ўз фаолиятларининг аниқ йўналишларига мувофиқ амалга оширишга қаратилган алоҳида кенг қамровли қарорини қабул қилиш тақлиф этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери** **Н.ИСМОИЛОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2015 йил 23 январь

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **Н.ЙЎЛДОШЕВ**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Мирзиёев Шавкат Миромонович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
- Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
- Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери** **Н.ИСМОИЛОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2015 йил 23 январь

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Мирзиёев Шавкат Миромонович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
- Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
- Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **Н.ЙЎЛДОШЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2015 йил 23 январь



## ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

### Тошкент шаҳрида 23 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Йўналишда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари қатнашди.

Мажлиси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов бошқарди.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари С.Турдиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, сенатор И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Ҳ.Кетмонов, Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи директори, сенатор А.Шин, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари С.Отмуратов, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори, сенатор О.Атаниезова сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг маърузасидаги йўналишлар ва хулосаларни қўллаб-қувватлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан

чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлиси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Шавкат Мирзиёев номзодини тавсия этди.

Шавкат Мирзиёев қўшма мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури ҳақида нутқ сўзлади.

Парламент аъзолари кўрсатилган номзодни маъқуллади ва Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлади. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис палаталари тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини яқунлади.

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Институт томонидан амалдаги қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш, қонун ижодкорлиги соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу ишлар қонун ижодкорлиги борасида олимизга турган вазифаларни самарали ҳал этиш имконини беради ва уларни янада ривожлантиришни, бунинг учун зарур ташкилий-техник шароитларни яратишни талаб қилади.

Биз бундан рошпа-роса ўн йил олдин таркибда депутатлар доимий равишида, профессионал асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси ва шунингдек, худудий вакиллардан иборат қонунчилик органи бўлиши Сенат фаолият кўрсатадиган икки палатали парламентни ташкил этишни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадимиз тўлиқ рўёбга чиқди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Натيجида қабул қилаётган қонунларимиз сифати сезиларли даражада ошди, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланмоқда.

Айни пайтда биз парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини оширишни мақсад қилиб қўяр эканмиз, Олий Мажлисини ўтган даврдаги фаолиятини ҳолисона баҳолаб, кўзга ташланадиган камчилик ва жиддий нуқсонлар устида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Нега деганда, йўл қўйилган камчилик ва хатоларни тан олмасдан, икдор бўлмасдан туриб, уларни йўқ қилиш оғир кечадди.

Биринчидан. Олий Мажлисимиз қонунчи, ҳуқуқни қўлай амалиётга етарлича эътибор бермаётганини эътироф этиш керак.

Қонунлар қабул қилиниши билан ҳаётимизда нима ўзгарди, улар тараққиётга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг боришига қандай таъсир кўрсатди, деган саволларга камдан-кам эътибор берамиз.

Масалан, биз қонунчиликни эркинлаштириш ҳақида кўп гапирарми. Шу билан бирга, одамлар ўз ҳаётида бундай эркинлаштириш жараёнини қандай ҳис этаётганига, бу ҳақда журналистлар, шарҳловчилар нималарни гапирётганига қараб, бу ишларнинг натижасига энг аниқ баҳо бериш мумкин.

Айни вақтда шунини ҳам тан олишимиз керакки, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойбардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада тақомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаяпти.

Шу боис Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга солидиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалда ошириш самардорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан ўзгаришлар киритишни кўзда тутидиган меъриий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш — бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор.

Иккинчидан. Ўрганишлар натижалари шунини кўрсатмоқдаки, кўпчилик қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ишламаяпти. Бунинг сабаби, биринчидан, ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мақсуд қонунларининг самарали ишлагани ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилаётганида бўлиб, уларсиз эса бу қонунларда белги-

ланган қондалар умуман ишламаётганини англаб олишимиз даркор.

Энди ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: парламентимиз қабул қилиниши «яқини кўрайдиган», ижро механизмларига эга бўлмаган қонунлар нима учун «ҳавола осилиб, муаллақ бўлиб» қолмоқда? Нима учун улар мантиқий яқунига етказилмапти, ҳуқуқни қўллаш босқичига олиб борилмапти?

Ўйлайманки, бу борадаги асосий сабаблардан бири шунки, биз қонунларни қабул қилар эканмиз, уларни ишлаб чиқиш жараёнидаёқ қўйишимиз керак бўлган саволини, яъни бу қонунга реал ҳаётда қай даражада эҳтиёж бор ва у қанчаллик самарали ишлайди, деган саволини ўз олдимиизга қўймаймиз. Бу эса қонунчиликимизда тақрорлар ва зиддиятчи ҳолатларнинг учраб туришига, унинг самардорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. 2014 йилнинг май ойида Концепцияга мувофиқ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни янги таҳрирда қабул қилдик. Очик тан олиш керак, корпоратив бошқарув соҳасида муҳим ҳужжат бўлган бу қонун ҳақидаги тўлиқ ишлагани йўқ.

Амаллиёт шунини кўрсатмоқдаки, акциядорлар, авваломбор, акцияларнинг миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмапти, улар акциядорлик жамиятлари фаолиятини таъсир кўрсатмапти.

Бунинг асосий сабабларидан бири шунки, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, хусусан, маъмурий, жиноят, ҳўжаллик қонунчилигида ушбу қонун қабул қилиниши билан бир пайтнинг ўзида унинг ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари кўзда тутилмаган. Хусусан, акциядорларнинг ҳуқуқларини бузишни учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланмаган.

Айни пайтда корпоратив бошқарув тизими ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, уларнинг қонунчилигида жавобгарлик, суд ҳимояси корпоратив муносабатлар ва улар билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг деярли барчасини қамраб олган.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аниқ ва равшан бўлиши керак — бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида биз қонунларимизда белгилаб қўяётган рағбатлантирувчи омиллар, преференциялар қачон ишлайди? Қачонки ҳуқуқнинг юқорида қайд этилган бошқа тармоқларга тегишли бўлган ҳуқуқий институтлар, аввало, суд-ҳуқуқ соҳасининг таъсир кўрсатиш механизми билан мустаҳкамлаб қўйилган тақдирдагина улар ўз самарасини беради.

Ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қондаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўш вақтда эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу масалаларнинг барчаси Олий Мажлис палаталарининг доимий диққат-эътиборида бўлиши даркор. Тақрор ва тақрор айтишни зарур деб биламан — биринчи навбатда, айнан қонун қабул қилидиган олий қонунчилик органи нафақат бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидан, айни пайтда уларнинг бир-бирига зид келиб қолмаслиги, қонунчиликнинг аниқ тизимга асосланиши, умуман, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукамал бўлиши таъминлашдан манфаатдор бўлиши зарур.

Учинчидан. Қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларидан кенг ва амалий муҳокама қилиниши таъминлаш муҳимдир. Айтиш керакки, биз бу иш билан деярли шугулланмаймиз ёки

номинатига шугулланамиз.

Бунинг сабаблари жуда кўп. Балки бундай муҳокамалар чоғида қонун лойиҳаси янги қондалар билан кенгайиб кетишидан ва бу қондалар асосида қонун лойиҳасини ўзгартириш, уни қайта ишлашга тўғри келишидан қўрқармиз? Шу билан бирга, бу масалада қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг ўзига бино қўйиши, профессионал даражасининг наслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳеч кимга сир эмас, амалиётчилар тажрибаси кўпроқ бўлгани учун қонунларнинг моҳиятини қонун чиқарувчилардан кўра яхшироқ билди. Ишимиз самарали бўлиши, қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш учун олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертларни кенг жалб этган ҳолда, қонун лойиҳасини албатта атрофлича муҳокама этиш шарт, деб ўйлайман.

Қонунлар лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётини муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига жамоатчиликни, фуқаролик институтлари вакилларини ҳам кенг жалб этиш лозим.

Авваломбор, сўз мамлакатни бошқаришда фуқароларнинг иштирокини ҳар томонлама кучайтириш ҳақида бормоқда. Давлат бошқаруви асосини қонунлар танкил этар экан, қонун ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиши зарур. Шу муносабат билан бу борадаги ишларнинг очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Тўртинчидан. Қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш даркор. Тан олишимиз керак, биз бу масалага ҳам етарлича эътибор бермаймиз.

Демократик давлатларнинг қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганишда, шунингдек, тайёрланаётган қонун лойиҳаларини ривожланган хорижий мамлакатларда қабул қилинган шундай қонунлар лойиҳалари билан қиёсий таҳлил қилишга бағишланган турли конференция ва семинарлар, давра суҳбатларини ўтказиш муайян қонун лойиҳасини ва умуман, қонунчиликимизни боийтиш учун янги материалга эга бўлиш имконини беради. Айнан шу сабабдан бундай тадбирлар биз учун қонун ижодкорлиги фаолиятини тақомиллаштиришда самарали восита бўлиши даркор.

Оқориди баён қилинган ана шу фикрлар, ўз навбатида, парламентда олиб борилаётган таҳлилий ишлар самардорлигини, депутатларнинг тайёрларлик, хабардорлик ва малака даражасини, бошқача айтганда, профессионал савиясини сезиларли равишда оширишни тақозо этади. Шу муносабат билан депутатларнинг профессионал даражасини мунтазам ошириш Олий Мажлисининг келгуси беш йилдаги бутун фаолияти давомида энг муҳим йўналишга айланиши даркор.

Бешинчидан. Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, кўнпартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардандир.

2007 йилда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишга сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг бу борадаги аҳамиятини таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Мақсуд қонунда фракцияларнинг ҳуқуқий мақоми, жумладан, парламентдаги кўнчилик ва парламентдаги мухолифат мақоми, уларнинг алоҳида ҳуқуқлари ва фаолияти са-

мардорлигининг кафолатлари аниқ белгиланган. Жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳокимият вакиллик органларида депутатлар турларининг роли сезиларли равишда оширилган. Қонундаги шу ва бошқа қатор муҳим қондалар мамлакатимизда амалдаги кўнпартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди.

Олий Мажлис — парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимий фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Баҳс-мунозаралар, ғоя ва дастурлар, муқобил қонун лойиҳалари ўртасидаги рақобат энг муҳим, принципиал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолар бўйича ҳақиқий профессионал асосда амалга оширилиши лозимлигини барчамиз тушунамиз, албатта.

Олтинчидан. Сиёсий фракциялар ҳамда депутатларнинг фаолияти, ташаббускорлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 140 дан зиёд қонуннинг аттиги 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинганини қонқардик, деб бўлмайди. Қолаверса, ана шу қонунларнинг бор-йўғи 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан юридик-техник хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатларидир.

Бугунги шароитда фракциялар ва депутатларнинг мамлакатимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиш ва уларни қабул қилиш бўйича фаолиятини принципиал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш керак, десам, ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз. Фракциялар ва депутатлар фаолияти янада фаол ва мазмунли бўлиши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электорати манфаатлари ҳамда кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши лозим.

Айни пайтда партия ва фракцияларнинг у ёки бу қонун бўйича позицияси, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим масалаларига доир фракцияларро баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчилик ва сайловчиларни ҳар томонлама тўлиқ хабардор қилиб бориш даркор. Ҳокимият, халқ ҳокимияти ва парламентаризмни демократик асосда танкил этишнинг моҳияти ҳам шундан иборат.

Ана шу масалада оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаш ҳам, ўйлайманки, ортқича бўлмайди.

Айрим депутатларнинг оммавий ахборот воситалари ва телевидение вакиллари билан мулоқотдан ўзини тортиш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турлади.

Еттинчидан. Конституциявий ислоҳотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим.

Ўрганишлар шунини кўрсатмоқдаки, ўтган беш йилда ҳар икки палата томонидан турли давлат бошқаруви органларига айрим ижтимоий масалалар бўйича аттиги 7 та сўров юборилган. Янги конституциявий шароитда парламент эпитментлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва ҳўжаллик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талаб-

ларининг ижроси бўйича амалда оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг қондалик иши бўлмоғи зарур.

Депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усулларини таъбиқ қилиш, жумладан, давлат бюджетини шакллантириш ва мамлакатимизнинг ушбу муҳим иқтисодий ҳужжати ижросини назорат қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш муҳим вазифалардан биридир.

Олий Мажлис палаталари томонидан назорат вазифасини амалда оширишнинг ана шу ва бошқа қатор шакллари ҳамда усулларини «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунда тизимли ва аниқ мустаҳкамлаб қўйиш зарур. Бугунги кунда ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимиз экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

Саккизинчидан. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарасини янада ошириш масаласи эътибор марказимизда туриши шарт.

Бу ҳақида сўз юритганда, парламентнинг икки палатаси — бу яхлит тизим, мамлакатимизнинг янада қонунчилик органи эканини таъкидлаш зарур, деб ҳисоблайман. Очик айтиш керакки, илгари, икки палатали парламентимиз иш бошлаган дастлабки пайтларда, ўзаро ҳамкорликда, қонунчилик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилаб берадиган умумий мақсадларга эришиш учун келишиб ҳаракат қилиш ўрнига палаталар ўртасида уларнинг қайси бири кўпроқ вақолатга эга экани ҳақида, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти ва мазмунини қайси палата яхши тушуниши ҳақида ўринсиз тортишувлар ҳам бўлган эди.

Ҳозирги кунда бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида икки палата вакилларидан иборат мувофиқлаштирувчи кенгашининг ташкил этилгани ва сўнгги йилларда амалга оширилган бошқа қатор ташкилий ва ҳуқуқий чоралар натижасида бундай тушунмовчиликка чек қўйилди. Лекин бундай вазиятлар янги таркибдаги депутатлар ва сенаторлар орасида пайдо бўлишнинг олдини олиш зарур, деб ўйлайман.

Ҳурматли халқ депутатлари ва сенаторлар, мажлис иштирокчилари! Бугунги кунда дунёда солид бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолаб эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта.

Кўнчилик давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ҳам айни мана шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш, остонамизга қўймаслик, юртимизда бугун ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳроқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш мақсадида ўзимизнинг қатъий позициямиз ва сиёсатимизни аниқ белгилаб олганмиз.

Шулар қаторида 2012 йили қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги конституциявий қонунда белгилаб берилган, бизнинг хавфсизлигимиз билан боғлиқ бўлган принциплар ва позицияларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилигига яхши аёндир.

Авваломбор, узоқ ва яқин кўнчиларимиз билан тил топишиб, улар билан ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш ва энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмаслик, муқаддас юртимиз туپроғида

чет мамлакатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштиришга ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиз ташқарисига ўтишига йўл қўймаслигимиз шулар жумласидандир.

Бугун юзага келаётган халқаро вазиятда айни шу йўл, шу сиёсат биз учун мақбулдир.

Азиз депутатлар ва сенаторлар! Яна ва яна бир бор барчангизни ана шундай улуг ва шарафли, шу билан бирга, ўта масъулиятли ишонч ва вазифага сазовор бўлганингиз билан табриқлаб, олдинизга қўйилган юксак мақсадларга эришишда аввало сиҳат-саломатлик, бардамлик, янги зафар ва омадлар тилайман.

Ҳурматли депутатлар! Муҳтарам сенаторлар! Шу фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан яна бир масала бўйича фикр алмашиб олсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Мальумки, сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан Бош вазир лавозимига номзодни таклиф этиш, ушбу номзодни Президент томонидан кўриб чиқиш, янги парламентнинг қўнма мажлисида бу номзодни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш тартиби Конституциямизнинг 98-моддасида ва шу асосда қабул қилинган тегишли қонунларимизда аниқ белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, Бош вазирнинг вазифалари, унинг қонуний ваколатлари ва масъулияти ҳам Асосий қонунимизда ўз аксини топади.

Конституциямизга киритилган охириги қўшимча ва ўзгаришларга мувофиқ, Бош вазир ва умуман, ижро ҳокимиятининг вазифалари ва шу билан бирга, ваколатлари, бир сўз билан айтганда, масъулияти анча кенгайгани ҳақида барчамиз хабардормиз.

Ҳеч кимга бу сир эмас — Бош вазир лавозимига номзод таллаш ва уни тасдиқлаб олиш ҳақида гап борар экан, албатта, бу ўта мураккаб ва масъулиятли масала эканини ҳаммамиз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Бу вазифага ҳар томонлама чуқур билан ва ақл-заковатга, кенг фикрлаш қобилияти, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, турли синовларга тобланиш, муҳтасаб айтиганда, кўпни кўрган, мамлакатимизни ривожлантириш, тараққиёт топтиришда, йирик лойиҳаларни амалда оширишда талабчан, ташкилотчи ва жонқуяр, масъулиятли, жавобгарликни ўз зиммасига оладиган, энг муҳими, ҳар қандай вазиятда ҳам одамлар билан тил топишга, обрў қозонишга қодир бўлган, ўзининг хусусият ва аломатлари билан ажралиб турадиган инсонни топиш — бу анча мураккаб ва оғир вазифадир.

Шу маънода, бугун сизларнинг муҳокаманизга тақдим этиладиган номзод ўз фаолияти ва бажарган вазифалари билан эл-юртимиз, Ватанимиз эришган марраларни қўлга киритишда муносиб ҳисса қўнган одам бўлиши шарт, десам, алаҳмаган бўлман.

Айни ҳозир тилга олинган хусусият ва аломатларга тўғри келадиган, жавоб берадиган инсонни топиш қандай оғир бўлмасин, барча-барча фикрларни, хулосаларни инобатга олган ҳолда, ушбу вазифага Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига фаол мезҳат қилаётган Мирзиёев Шавкат Миромонович номзодини тавсия этаман.

Ўйлайманки, бу номзодни сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлар ҳаммамиз яхши биласиз.

Шавкат Мирзиёев ўз раҳбарлик фаолияти давомида турли масъул лавозимларда ишлаган, катта ташкилотчилик ва амалиёт тажрибаси билан обрў қозонган. Уни мамлакатимиз вилоятлари ва туманларидаги барча ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар, халқимиз яхши танийди.

Сиз халқ вакиллари — ҳурматли депутат ва сенаторлар ҳам бу номзодни қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонаман.

БРИФИНГ



Санжар ШОТУЛЛАЕВ ошган сурат.

Сиёсий партиялар

сайловда иштирок этиш учун расман ижозат олди

■ Марказий сайлов комиссиясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг бориши ва Олий Мажлис Сенатини шакллантириш яқунларига бағишланган брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов сайловга тайёргарлик ишлари қонунчилик талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури асосида изчил олиб борилаётганини қайд этди. Таъкидландики, мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда иштирок этиш истагини билдирди ва шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясига тегишли хужжатлар тўпламини тақдим қилди. Улар асосида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясига, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига сайловда иштирок этиш учун расман ижозат берилди. Аини пайтда сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш ишлари олиб борилмоқда.

Чилар имзосини тўплаш тартиби ва бу жараён қандай бораётгани, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриши билан боғлиқ бошқа масалалар тўғрисида ҳам атрафлича маълумот берилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида сайлов округлари тўқилган, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши тавсиялари асосида округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланган.

Округ сайлов комиссияларига аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган, обрў-эътиборли кишилар жалб этилган. Азозлар рўйхати, сайлов комиссияларининг манзили ва телефон рақамлари маҳаллий матбуотда эълон қилинди. Брифингда оммавий ахборот воситалари вакилларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантириш яқунлари тўғрисида ҳам батафсил ахборот берилди.

Брифингда журналистларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этаётган сиёсий партиялар, сайлов

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

Ҳаёт ҳақиқатлари

юртдошларимизни юксак марралар сари чорлайди

■ Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ўтган йилда эришилган натижалар сарҳисоб қилиниб, жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгилаб олинди. Маърузада, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли бандлигини таъминлаш, болалар спортини ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу кунларда маърузанинг мазмун-моҳияти кенг жамоатчилик, хусусан, минтақавий партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан қизгин ўрганилмоқда.



Кимé ШОКИРОВА, Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Президентимиз маърузасини тинглар эканман, депутат, тиббиёт ходими сифатида зиммада жуда катта вазифалар турганини чуқур ҳис қилдим. Хукумат мажлисида қайд этилганидек, 2014 йилда мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни воғда етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида кенг қўламли ишлар бажарилди. Шу ўринда маърузада келтирилган бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўтган йили юртимизда 6 миллион 500 минг нафар мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган. Бу нимани аниқлади? Биринчидан, уларда юзга келиши мумкин бўлган турли касалликларнинг олди олинди, қолаверса, хасталиклар ўз вақтида аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди, деганидир. Бунинг за-

мирида эса давлатнинг катта маблағи ҳамда тиббиёт ходимларининг машаққатли меҳнати ётибди.

Мен рахбарлик қилаётган поликлиника ва унинг фаолиятига келадиган бўлсак, ўтган йилнинг январь ойидан сентябрь ойигача ҳудуддаги барча фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди. Айниқса, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ҳамда ногиронларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилди. Бугунги кунда ҳисобимизда 3 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 92 нафар фронт ортида хизмат қилган отахон-онахонлар туради. Ҳозирда уларнинг сифат-саломатлиги тиббиёт ходимлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилмоқда.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йилида зиммамизда янада масъулиятли вазифалар бор. Бугунги кунда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари рўйхати қайта кўриб чиқилмоқда. Йил давомида уларнинг барчаси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Шунингдек, режа асосида тиббий ёрдам кўрсатилади.



Исматилло БЕКМУРДОВ, Тошкент давлат шарқшунослик институти хитойшунослик факультети декани:

— Юртбошимиз маърузасини ўқиб, унда бизнинг институтимызда очилган хитойшунослик факультети ҳам алоҳида қайд этилганидан қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Бундай эътибордан бутун жамоамизнинг боши осмонга етди.

Институтимызда хитойшунослик факультетининг ташкил этилиши — Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги мустаҳкам алоқаларнинг меваси, десам, адашмаган бўламан. Аини пайтда факультетда

бакалавр йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича 345 нафар талаба тахсил олмақда. Уларнинг 310 нафари бакалавр, яна 15 нафари магистрлар ҳисобланади. Факультетимизда хитой тили ва адабиёти, хитой иқтисодиёти, хитой сиёсати ва унинг халқро муносабатлардаги ўрни кафедралари фаолият кўрсатиб келяпти.

Талабаларимизга 60 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи хитой адабиёти, маданияти, тарихи ва иқтисодиёти бўйича билим бермоқда. Уларнинг 4 нафари хитойлик мутахассислар бўлса, аксарият қисми Хитойда малакасини ошириб қайтган ўқитувчилар ҳисобланади.



Асом ЗОХИДОВ, Зангиота туманидаги «Меҳнат групп» корхонаси раҳбари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларни иш билан таъминлаш олдимида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Президентимиз маърузасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада «Меҳнат групп» корхонасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. 2014 йил давомида 60 та

иш ўрни яратилди. Меҳнатга жалб қилинганларнинг асосий қисмини касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил этди. Шунингдек, бу йил «Меҳнат-дон» корхонасини очишни режалаштирдик. 5 гектар ер майдонига иссиқхоналарда тури қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши кўзда тутилган. Бу яна ўнлаб ёшлар иш билан таъминлашни аниқлади.

Умуман, бугунги кунда Тошкент вилоятида аҳоли фаровонлигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш борасида бир қатор ибратли ташаббуслар илгари сурилмоқда. Меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда, ўз фаолиятини бошлаш йилида бўлган ёшлар учун кенг имкониятлар эшиги очилган.



Фахриддин АБДУРАСУЛОВ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали директори:

— Давлатимиз раҳбари ҳар бир маърузасида болалар спортига жиддий эътибор қаратади. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидланганидек, 2014 йил мобайнида республикамизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт объекти ва 73 та мактаб спорт зали бунёд этилди.

Сурхондарё вилоятида ўтган йил давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 11 та қурилиш иншооти фойдаланишига топширилди. Иккита болалар спорт зали ва 6 та мактаб қошидаги спорт заллари қайта таъмирланди. Яратилган шароит ва имкониятлар тўғрисида вилоятда спорт билан шуғулланаётган болалар сони тез суръатларда ошиб бормоқда.

Таққослаш учун, 2003 йилда 16,8 фоиз бола спорт билан мунтазам шуғулланган бўлса, бугунги кунда бу рақам 55,8 фоизни ташкил қилади.

Шуни фахр билан айтиш керакки, мамлакатимиз спортчилари эришаётган ютуқ ва муваффақиятларида Сурхондарёлик ёшларнинг ҳам ўз ўрни бор. Ўтган йили вилоятимиздан жами 34 нафар спортчи халқро мусобақаларда иштирок этди. Қувончаларини, уларнинг 21 нафари совринли ўринларни эгаллади. Улар 6 та олтин, 4 та кумуш ва 11 та бронза медални қўлга киритди.

2015 йилда вилоят ҳудудида жами 37 та қурилиш объектини фойдаланишига топшириш режалаштирилган. Шунингдек, аёллар спортини янада оммалаштириш мақсадида қўшимча спорт секциялари очилади. Бундан ташқари, ўрта ва олий таълим муассасаларини тугатган ёш мутахассисларни ишга жалб этиш доимий эътиборимизда бўлади...

Бу мулоҳазалар Президентимиз маърузасида айтилган айрим масалаларга муносабат, холос. Давлатимиз раҳбари мажлисда мамлакатимиз учун муҳим бўлган барча соҳаларга оид энг долзарб вазифаларни ўртага ташлади. Булар юртимизни янада тараққий эттириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, халқимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш, бир сўз билан айтганда, инсон манфаатларига қаратилгани билан ҳам аҳамиятlidir.

Аҳмад ЮСУПОВ

ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

■ ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши «Демократик жараёнлар ва аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш» мавзусида семинар ўтказди.

Унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзХДПдан депутатликка сайланган хотин-қизлар, «Фаол аёллар» қаноти, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Депутатлик — масъулият

Дастлаб семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтилди. Маълумотга кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиямиздан сайланган депутатларнинг 20 фоизини, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатларнинг 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, туман ва шаҳарларда хотин-қизларнинг турмушини яхшилаш, оғирини енгил қилиш билан боғлиқ масалаларни ечишда имкониятларимиз етарли. Бунинг учун ҳар бир депутат янги куч, илғор ғоялар ташаббускори бўлиши керак.

Уларга ечим топишда асосий ташаббускор бўлади. Сайловолди дастуриимизга мувофиқ меҳнатга лаёқатли, аммо вақтинча ишсиз хотин-қизларни меҳнатга жалб этиш, касаначиликни ривожлантириш масалалари депутатлик фаолиятимизнинг устувор йўналиши бўлиши зарур. Уйлайманки, барча партия гуруҳлари, ҳар бир депутат билан ҳамкорликни изчил йўлга қўямиз.

Семинарда Янгиариқ туман кенгаши раиси ўринбосари Раҳимжон Машарипова «Фаол аёллар» қаноти фаолияти ҳамда ўзининг депутатлик тажрибалари тўғрисида гапирди.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП вилоят кенгаши бўлим мудирини Нодира Одамбоева, Хонқа туман кенгаши раиси Аҳмаджон Ваисов ва бошқалар сўзга чиқиб, партия Сайловолди дастурида белгилаган мақсад-вазифаларни амалга ошириш масалалари хусусида фикр билдиришди.

Санобар БЕРДИЕВА, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши бўлим мудирини.

ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

Аёл бахтли бўлса

бутун халқ, жамият бахтли бўлади

Давлатимиз раҳбари ҳар бир маърузасида, нутқида давлат ва жамият олдига турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири айнан аёлларга эътиборни кучайтириш, уларнинг оғирини енгил қилиш, оилада ва жамиятда мавқени мустаҳкамлашдан иборат эканини ўқиради. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки аёл бахтли бўлса, бутун халқ, жамият бахтли бўлади.

Шунинг учун мамлакатимизда аёлларга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уй-рўзгор юмушларини енгиллаштириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор кўрсатиш имконига эгаимиз.

Ўтган йили хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлашга кўмак бериш, аёлларнинг тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида «Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови», «Соғлом бола — соғлом оилада камол топади» каби лойиҳалар доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбирлар ташкил этилди.

Бироқ бугун замон олди-мизга қўяётган талаб ва мезонлардан келиб чиқиб фикр-лайҳадан бўлсак, фаолиятида таъкидланган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бунинг учун мамлакатимизда ушбу талабларни қўриқиб олиш керак. Бунинг учун мамлакатимизда ушбу талабларни қўриқиб олиш керак. Бунинг учун мамлакатимизда ушбу талабларни қўриқиб олиш керак.

Бироқ бугун замон олди-мизга қўяётган талаб ва мезонлардан келиб чиқиб фикр-лайҳадан бўлсак, фаолиятида таъкидланган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бунинг учун мамлакатимизда ушбу талабларни қўриқиб олиш керак. Бунинг учун мамлакатимизда ушбу талабларни қўриқиб олиш керак.

Ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган лойиҳаларда иштирок этганман. Тўғриси, айрим ижтимоий лойиҳалар доирасида ташкил этилган тадбирлар «амалий тадбир ёки амалий семинар» деб аталса-да, улардан бизни ўйлантираётган ижтимоий масалаларни ҳал этишга кўмак берадиган фикр ёки аниқ тавсия ололмадик. Ваҳоланки, қатнашчи нафақат сиёсий-ҳуқуқий билимимни оширсам, дейди, балки ўзини ҳақ қизиктирган саволга жавоб топиш умидида тадбирга келади.

Сарвиноз Отажонова, уй бекаси, Андижон вилояти:

— Яқинда бир тадбирда иштирок этдим. Унда оналик ва болалик муҳофаза қилиш, соғлом авлодни воғда етказиш масаласи муҳофазатга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада олиб борилаётган ишлар мисоллар билан таҳлил этилди. Очиғи, тадбирда нимадир етишмади, нимадандир қониқмадик. Бунинг сабабини кейин тушунадим. Она ва бола саломатлигига бағишланган ўша тадбирда «Сизни ҳеч қандай касаллик безовта қилмаяптими, айтинг, тиббий ва ҳуқуқий кўрсатимиз, шифохонлардаги шароитдан мамнунми?» каби саволлар берилди, деб

ўйлагандим. Лекин ундай бўлмади. Биз оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун нималарга аҳамият қилишимиз ҳақида ҳам деярли ҳеч қандай гап бўлмади. Менимча, тадбирларда айнан ана шу жиҳатларга эътибор бериш керак. Мавзунинг таълими ҳам одамларни ўйлантираётган масалалар биринчи ўринда туриши лозим. Ижтимоий лойиҳаларни ҳаққон ташкилотлар билан ўтказиш, кўпни кўрган одамларни тақлиф этиш мақсадида мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Шунингдек, қуруқ гаплардан ёки қилинган ишлар ҳисоботида воз кечиб, кўпроқ иштирокчиларга сўз бериш, саволлар бериш зарур. Шунда тадбирнинг аҳамияти, фойдали жиҳати ортади, менимча.

Дарҳақиқат, бугун одамлар сиёсий партиялардан, депутатлардан фаят амалий ишларни, очик суҳбатларни кутмоқда. Ҳар биримиз ўз фаолиятимизда уларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлифларини албатта инобатга олсак, иш-ишнинг самараси ошади, тадбирларимиздан одамларга фойда тегади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

# Касбга садоқат

## Ватанга меҳр, эл-юртга муҳаббатдан бошланади...

Дунёда шундай инсонлар бўладики, касб-корини ардоқлаб, ундан фахрланиб, уни ҳаётининг мазмуни деб билади.

Рейимбой Ешимбетов — Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманида туғилган. У 85 йиллик умрининг 60 йилини журналистика соҳасига, шундан 55 йилини эса, «Ўзбекистон овози» газетаси ривожига бағишлаган. Фидойи устоз ҳозир ҳам ўзининг кенг қамровли, кишини ўйлантирадиган ўткир мавзулардаги мақолалари билан тез-тез чиқиш қилади.

У бу йиллар давомида қанчадан-қанча фидойи инсонлар меҳнати газета саҳифаларида ёритилди, қанчадан-қанча муаммоли масалаларни кўтариб чиқмади, қанчадан-қанча хаста дилларнинг кунглига малҳам бўлмади, дейсиз. Айниқса, истиқлол шарофати боис, Рейимбой Ешимбетовнинг иккинчи фаол ҳаёти бошланди. Энди у юрагидаги гапларни, жамиятдаги ўзгаришлар моҳиятини атрафлича ёрита бошлади. Рейимбой Ешимбетов Қорақалпоғистон журналистлари орасида ўзига хос мактаб яратган жонкуяр, фидойи, ҳассос

ижодкорлардан ҳисобланади. Бу давр мобайнида унга кўпгина юқори мансабларга таклифлар бўлди, бироқ Рейимбой оға, ўз севган касбини ташлаб кетмади, унга бир умр содиқ қолди.

**ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси Қуатбай Қурбанбаев** мақола-миз қаҳрамони ҳақида шундай илқ фикрларни билдиради: — Рейимбой Ешимбетов адолат-парвар, жасур журналист, тиниб-тинчимайдиган кишилар тоифасидан. У партиямизнинг фидойи аъзоси ҳисобланади. Рейимбой оға мана неча йилдирки, ўзининг таҳлилий,

публицистик мақолалари орқали партиямиз гоёларини элимизга содда, оддий, халқчил тарзда тушунтириб келади. Биз у кишининг серунум ҳаётига ҳавас қиламиз.

— Устозим Рейимбой Ешимбетов жуда ҳам меҳнат-севар, оддий, жонкуяр ва самимий инсон, — дейди «Ўзбекистон овози» газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири **Мнажатдин Қутлимурадов**. — У ҳар томонлама ибрат олишга арзиғулук инсон. Устознинг фазилатлари жуда

кўп, шулардан бири ҳалоллик, иккинчиси қатъиятлик. Шу ўринда, бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Бундан анча йиллар илгари Рейимбой оға билан чекка туманлардан бирида жойлашган Меҳрибонлик уйига, тарбияланувчиларнинг аҳволидан хабар олгани боргандик. Киш мавсуми эмасми, хоналар биров совуқ, газ босими ҳам паст экан. Устоз ўша ернинг ўзида дарҳол керакли идораларга кўнгирак қила бошлади. Лекин айна пайтада муаммони ечишнинг имкони бўлмади. Устознинг уйига етиб келиб хонадонига кирганимиздан, у варақлари сарғайиб кетган ён дафтаридан тегишли рақамларни топиб, тинмай кўнгирак қила бошлади. Афсуски, ўша кун масала тўлиғича ҳал бўлмади. Биз эртасига сахардан Меҳрибонлик уйига қараб йўл олдик. Яна ўша телефон, яна қимматли телевизор, яна қимматли телевизор, хуллас кечга бориб, муаммо ўз ечимини топди. Хоналар керакли даражада иситилди, газ босими кўтарилди. Тарбияланувчиларнинг ҳечрасидаги шодликни кўрган Рейимбой оғанин



боладек қувонди. Улар бил, кўширилиб, айрим кўшиқларни биргаликда хиргойи ҳам қилди...

Дарҳақиқат, Рейимбой Ешимбетовнинг фидойиларча меҳнати давлатимиз, халқимиз томонидан ўз қадр ва қимматини топган. У Қорақалпоғистонда энг шоғирди кўп, энг машҳур журналист Рейимбой оға ҳисобланади.

Касбга садоқат, ҳалолликда ҳам ҳеч муболағасиз уни ибрат қилиб кўрсатишди. Биз эса ана шундай муҳбиримиз, устозимиз борлигини дахл қилганимиз. Устоздан ҳали газетхонларни мамнун этадиган кўп мақолалар кутамиз.

Қуйида Рейимбой оғанин хикматлар жаҳоҳиридан бир шингли келтирамиз:

**Касбга садоқат — Ватанга меҳр, эл-юртга муҳаббатдан пайдо бўлади.**

Ҳа, касбни муқаддас билиб, уни ардоқлаган киши эл-юрт ҳурматиға, меҳриға сазовор бўлади. Бунга Рейимбой Ешимбетовнинг ҳаёт йўли ёрқин мисолдир. Қорақалпоғистонда энг шоғирди кўп, энг машҳур журналист Рейимбой оға ҳисобланади.

Касбга садоқат, ҳалолликда ҳам ҳеч муболағасиз уни ибрат қилиб кўрсатишди. Биз эса ана шундай муҳбиримиз, устозимиз борлигини дахл қилганимиз. Устоздан ҳали газетхонларни мамнун этадиган кўп мақолалар кутамиз.

**Обиддин МАХМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан турли вазирлик ҳамда давлат идоралари ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича анъанавий «Вазирлик Кубоги» турнири ниҳоясига етди.

## «ЎЗАГРОСУФУРТА» — «ВАЗИРЛИК КУБОГИ» СОҲИБИ!

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган мусобақада 12 жамоа уч гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб борди. Финалда «Олий суд» жамоасини пенальтиларга кўра мағлуб этган «Ўзагросуфурта» компанияси футболчилари бош совринни кўлга киритди.

«Сурғатчилар» чорак финалда Адлия вазирлиги футболчиларини пенальтилар бўйича енгиб, ярим финалда Ташқи ишлар вазирлиги футболчиларини мағлуб этишнинг уйдасидан чиқдилар.



Учинчи ўрин эса республика солиқ кўмитасининг «Солиқ» жамоасига насиб этди.

— Турнирни ташкил этишдан мақсад — вазирлик ва бошқа давлат идоралари ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат эди. Иштирокчилар орасида вазирлик ва давлат идораларининг раҳбар ходимлари ҳам тўп сурганлиги кўзланган мақсадимизга эришганимизни тасдиқлади. Жумладан, вазирнинг биринчи ўринбосари Мурод Алиев мусобақанинг бошидан охиригача қатнашди, собиқ профессионал футболчи сифатида бой тажрибаси, аjoyиб техникалари билан барчаннинг ҳавасини келтирди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Оммавий спорт тadbирларини ўтказиш бошқармаси бошлиғи Рашидбек Толипов.

Ойбек ЮНУСОВ

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Шаҳрихон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлими туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ташкил этишга бағишланган кўргазмали семинар ўтказди.

## Доимий эътибордаги масала

Семинарнинг ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — илғор иш тажрибаларини омалаштириш ва мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишдан иборат, — дейди Шаҳрихон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлими мудири Рустамбек Матбобоев. — Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан отаналарнинг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Иштирокчилар тумандаги қатор таълим муассасаларида бўлиб, уйда яққа тартибда билим олаётган ногирон болаларни тўғарақларга жалб этиш, умумтаълим мактабларида ташкил этилган «Мадада» ўқувчи-ёшлар гуруҳлари томонидан кексалар, хусусан, ёлғиз қариаларнинг уй юмушларини бажариш бўйича кўрсатилаётган ёрдам билан танишди.

Тадбир доирасида иқтидорли ўқувчилар томонидан тайёрланган турли буюм ва макетлар, ёш рассомларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.



# Гол урмасдан ғалаба қозониб бўлмайди

## Австралияда давом этаётган Осиё чемпионати ярим финалчилари маълум бўлди



Хасан ПИРМУХАММЕДОВ олган сурат.

«Осиё кубоги — 2015» баҳсларининг дастлабки ярим финалчиси номи Ўзбекистон — Жанубий Корея терма жамоалари учрашувида аниқланди.

Мусобақанин «В» гуруҳи ўйинларини муваффақиятли яқунлаган футболчиларимиздан аксарият мухлисларимиз чорак финалда ҳам ғалаба кутган эди. Учрашув шиддатли ва муросасиз кечди. Асосий вақтда ҳар икки жамоа аъзолари ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолди — 0:0. Аммо қўшимча бўлимларда жамоамиз ҳимоясида йўл кўйилган хатолардан рақиблар унумли фойдаланишди — 0:2.

Афсуски, бизнинг жамоа кўплаб имкониятлардан фойдалана олмади.

— Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўйин жуда шиддатли ва қизиқарли кечди, — деди учрашувдан сўнг терма жамоамиз бош му-

раббийи **Миржалол Қосимов**. — Буни финалга қийинсиз ҳам бўлади. Бу — футбол! Унда эса ғалаба ва мағлубият ёнма-ён юради. Биз мағлубиятга муносиб эмасдик. Бугун омад биздан очикчасига юз ўғирди. Австралияга келиб, бизни қўллаб-қувватлаган ва мамлакатимиздаги мухлисларимизга катта миннатдорлик билдираман.

Менимча, ҳозирги таркиб билан бемалол жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига киришса бўлади. Осиё чемпионати Игорь Сергеев, Сардор Рашидов, Шухрат Мухаммадиев, Жамшид Искандеров каби ёшларимиз учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтаб берди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бундан тўрт йил муқаддам Катарида ўтказилган Осиё чемпионатида кучли турткидан жой олганди. Афсуски, бу гал Австралияда ҳамюртларимиз учун мусобақанин чорак финал учрашуви сўнгги «бекат» бўлди...

Хўш, терма жамоамизнинг совринли ўринлар учун курашишига нима халал берди? Нега халқимиз ва кўпсонли мухлислар ишончи оқланмади?

Бу ҳақда мамлакатимиз футбол мутахассислари фикрлари билан қизиқдик.

**Биродар АБДУРАИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий:**

— Футболда гол урмасдан ғалаба қозониб бўлмайди. Бунга Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўтган ўйинда ҳам гувоҳ бўлдик. Умуман олганда, футболчиларимиз қитъамизнинг кучли терма жамоасига қарши ўйинда ёмон

таассурот қолдирмади. Афсуски, юзага келган имкониятлар кўкка соғурилгани ачинарлидир.

Бош мураббий Миржалол Қосимов ва унинг ёрдамчилари кучли рақибга қарши танлаган таркибининг тушуна олмади. Бундай муҳим учрашувда тажрибали Темура Копадзега ишонч билдирилган экан, нега Сервер Желаровнинг захирада қолдирилганига ҳайронман?! Саудия Арабистони терма жамоаси билан ўйинда Жамшид Искандеровнинг ҳали анча тажрибасизлигини оддий мухлис ҳам ўз кўзи билан кўрганди. Аммо мураббийлар штаби бундан тўғри хулоса чиқармасдан учрашувда маҳоратли ўйинчи зарурат пайдо бўлганида яна Искандеровни майдонга туширганини тушуниб бўлмайди. Еки ярим ҳимоячи Жасур Хасановнинг муҳим ўйин чоғида захирада қолдирилиши ҳам яқинда терма жамоамиз учун қимматга тушди, деб ўйлайман.

Афсуски, қулай вазиятларда терма жамоа учун маҳоратли ижрочилар етишмади. Биринчи ўйинда КХДР дарвозасига гол урган бўлса-да, ҳужумчи Игорь Сергеевнинг ҳали бу каби йирик мусобақа учун руҳан тайёр эмаслиги биллиниб қолди...

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Осиёда футболни жадал ривожланиб бораётган мамлакатлардан саналади. Бу каби мусобақаларда футболчиларимиз аллақачон ўзини кўрсатадиган фурсат келди. Муҳим учрашувларда эса оддий хатолар ҳам қимматга тушиши мумкинлигини Осиё чемпионати яна бир бор тасдиқлаб берди.

**Тоҳир КОПАДЗЕ, «Нефтчи» профессионал футбол клуби раиси:**

— Терма жамоамиздан умидимиз катта эди. Афсуски, футболчиларимизнинг ярим финал оstonасида мағлубиятга учрагани аламли бўлди.

Гарчи, вақиларимиз мусобақани барвақт яқунлаган бўлса-да, уларнинг кучли рақибга қарши чиройли ўйин намоиш этганилиги менда илқ

таассурот қолдирди. Аслида терма жамоамиз совринли ўринлар учун курашишга муносиб эди. Вақт ўтгани сайин футбол ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бош мураббий Миржалол Қосимовнинг нуфузли мусобақада кўрқмасдан бир қатор ёшларга ишонч билдирилгани менга ёқди.

Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўтган ўйин ҳақида тўхталадиган бўлсам, унда тажриба барибир ўз сўзини айтди. Бутун учрашув давомида терма футболчиларимизнинг айримларига ҳал қилувчи вазиятларда маҳорат етишмади. Агар ўйинда дуранг қайд этилиб, ғолиб пенальтилар сериясида аниқланганида ҳам бунчалик алам қилмасди.

Афсуски, вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Бу каби мағлубиятлардан фожиа яшаш эмас, аксинча зарур хулосаларни чиқариш лозим. Осиё чемпионати учрашувлари юртимизда кўплаб янги истеъдодлар борлигини кўрсатиб берди. Асосийси, ана шу иқтидорли футболчиларни тўғри тарбиялаб, уларга кўпроқ имконият бериш керак. Чунки ҳадемай бошланган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида айнан улар Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Австралияда қайд этилган натижалар келгусида муҳим мусобақалар олдида жиддий сабоқ бўлади, деб ўйлайман.

Чорак финалнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: Хитой — Австралия — 0:2, Эрон — Ироқ — 3:3 (пенальтилар бўйича — 6:7), Япония — БАА — 1:1 (п.б — 4:5).

Мусобақа тақвимиға кўра, 26 январь кунни дастлабки ярим финал учрашуви ўтказилади. Унда **Жанубий Корея — Ироқ** терма жамоалари ўзаро куч синашади. Иккинчи финалчи номи эса 27 январьда бўладиган **Австралия — БАА** жуфтлиги баҳсидан сўнг аниқланади.

**Эркин ХОЛБЕКОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**MUASSIS:**

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHIR HAY'ATI:**

Abdulla O'RIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek, MUSTAFOYEV, Muslihidin, MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV, (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari)

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159 20566 nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 22.25 Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6